
Сўнги қўнғироқ байрам тадбирлари тумандаги барча таълим муассасаларида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди

Мана кўз юмиб очгунча “Таълим мазмунида янги босқичга қадам” шиори остида 2022-2023 ўқув йили ҳам яқунланмоқда.

Жорий йилда туманда 11-синфни жами 2740 нафар ўқувчилар тугатмоқда. Шулардан 65 нафарига олтин ҳамда 8 нафарига кумуш медаллари берилмоқда.

Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган тумандаги умумтаълим мактаб ўқувчиларининг 14 нафари маҳаллий ҳамда хорижий Олий ўқув юртларига муддатидан олдин талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлдилар.

Тумандаги 67 та умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилган сўнги қўнғироқ байрам тадбирлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Байрам тадбирларида кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, битирувчи ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, собиқ битирувчилар иштирок этдилар.

2023-05-25 13:36:57